

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг китоблари қорақалпоқ тилида



14:05 / 03.12.2019 4874

Маълумки, жорий йилдан бошлаб шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг китоблари қорақалпоқ тилига таржима қилиниб, нашр этила бошланди. Жумладан «Иймон», «Ҳадис ва ҳаёт» силсиласининг 1 ва 2-жузлари қорақалпоқ тилида нашр этилиб, ўқувчиларга тақдим этилди. Ҳозирда «Ҳадис ва ҳаёт» 3 ва 4-жузлари, «Бахтиёр оила» ҳамда «Мўминнинг меърожи» китобларининг таржима ишлари якунланиб, нашрга тайёрланмоқда. Келгусида қолган китоблар ҳам таржима қилиниб, нашр этилиши режа қилинган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш керакки Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида китоб дўкони ташкил этилган бўлиб, китобхонлар у ердан ҳам шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ қаламига мансуб китобларни ўз нархида харид қилишлари мумкин.

Манзил: Нукус шаҳри, Х. Абдамбетов кўчаси.

Мўлжал: Имом Эшон Муҳаммад жоме масжиди.

Телефон: +998 97 474 51 68

Интернет саҳифамиз:

www.hilolnashr.uz - Расмий веб-саҳифамиз

www.kitoblardunyosi.uz - Онлайн савдо саҳифаси

Islom.uz портали таҳририяти